

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Мудирлар

Малака ошириш

факультетига қарашли

“1-сон ички касалликлар”

кафедраси

Даволаш факультетига

қарашли “Анестезиология ва

реаниматология” кафедраси

Доцент

Тиббий профилактика

факультетига қарашли “Тиббий

ва биологик кимё” кафедраси

Ассистентлар

Малака ошириш

факультетига қарашли

“1-сон ички касалликлар”

кафедраси

Тиббий педагогика

факультетига қарашли

“2-сон факультет ва госпиталь

терапия” кафедраси

Тиббий педагогика

факультетига қарашли

“Онкология ва нур таъхиси”

кафедраси

Даволаш факультетига

қарашли “Хирургик

касалликлар” кафедраси

Даволаш факультетига

қарашли “2-сон акушерлик ва

гинекология” кафедраси

Даволаш факультетига

қарашли “2-сон ички

касалликлар” кафедраси

**Ҳужжатларни қабул қилиш эълон қилинган кундан бошлаб бир ой
муддатда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.
Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.**

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва касаба уюшмаси Академиянинг бухгалтерия бўлими ходимаси Манзура Имомназарова Жаъраева волидаи муҳтарамаси

Ойниса СУЛТОННАЗАРОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, A.Zohidiy, S.Mavlyanov,
D.Norgulov, L.Abdugodirova, D.Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir
Бепул тарқатилади

Topshirish vaqti: 14.00



TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 12 2017 YIL 26 DEKABR



ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

**Азиз устоз ва талабалар! Сизларни қутлуг қадамлар билан кириб
келаётган Янги – 2018 йил билан чин дилдан табриклайман.**

Эл-юртимиз фаровонлиги йўлидаги барча ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаб, йил давомида яхши кайфият ва омад сизларни асло тарк этмасин! Оилангизга бахту саодат, хонадонларингиздан тинчлик-хотир-жамлик ва файзу барака аримасин!

2017 йилда юртимиз ҳаётида яхши кунлар, улкан ютуқлар ва марралар кўп бўлди. Шу ўринда тарих саҳифаларидан жой олаётган 2017 йил академиямиз ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, ўқув жараёнига янги педагогик технологияларнинг жорий этилиши биз кутган натижаларни берди. Илмий тадқиқотлар борасида ҳам аҳамиятга молик, ижобий ютуқларга эришилди. Қувонарлиси янгидан-янги илмий тадқиқотлар ва ихтиро-чилик ишлари республикамиз жамоатчилиги эътиборини қозонди. Маънавият ва маърифат, маданият ва спорт соҳасида қилинган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар ҳам ўзига хос салмоққа эга.

Академиямизда таҳсил олувчи талаба ёшларининг ютуқлари билан бирга, Президент, Ибн Сино ва бошқа номдор стипендиантларнинг кўплаб чиққани ҳам олиб борилган тизимли ишларнинг самараси десак, муболага бўлмайди. Қутлуг қадамлар билан кириб келаётган 2018 йилда ҳам академиямиз жамоаси катта-катта режаларни амалга ошириш, бир қатор хайрли тадбирларни ўтказишни мўлжалламоқда.

Қадрли устозлар, муҳтарам профессор-ўқитувчилар, азиз талабалар кириб келаётган Янги – 2018 йилда сизга ва оила аъзоларингизга меҳнат фаолиятида, ўқишда, жамоат ишларида ҳамisha бахт ва омад ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламан!

Илмий, ижодий, ўқишдаги фаолият ва интилишларингизда муваффақиятлар тилайман. Сихат-саломатлик, шоду хуррамлик, бахту саодат барчамизга йўлдош бўлсин.

Янги йилнинг муборак бўлсин, муҳтарам академиямиз жамоаси, қадрли профессор-ўқитувчилар ва талабалар!

Л.ТУЙЧИЕВ,

Тошкент Тиббиёт академияси ректори

**2018 йил – Фаол
тадбиркорлик, инновацион
ғоялар ва технологияларни
қўллаб-қувватлаш йили
ЎЗГАРИШЛАР
СИЛСИЛАСИ**

**Президентимиз Шавкат
Мирзиёевнинг 2017 йилда амалга
оширилган асосий ишлар якуни
ва Ўзбекистон Республикасини
2018 йилда ижтимоий-иқтисодий
ривожлантиришнинг энг устувор
йўналишларига бағишланган
Мурожаатномасини тинглаб...**

Яқунланаётган йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришлар, катта тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлдик. Бу воқеалар аҳоли ҳаётида туб бурилишлар ясаб, халқ билан мулоқот принципига ғоят уйғун ва ҳамроҳанг бўлди. Йил якуни бўйича давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисига Мурожаатнома тақдим этгани эса ислохотларнинг бош мақсади – инсон манфаатларини таъминлаш эканини яна бир марта намоён этди.

Давлат раҳбарларининг миллий парламент аъзолари ҳузурда Мурожаатнома билан чиқиши дунё тажрибасида мавжуд. Давлат бошқарувининг бундай демократик усули бугун Ўзбекистон тарихида ҳам илк мартаба кўлланилди.

Мурожаатномада мамлакатимизнинг барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самаралари атрофлича таҳлил этилди, келгуси вазифалар белгилаб берилди.

Иқтисодийетимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта уйланган дастурлар қабул қилинди ва изчил амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда қисқа муддатда 161 та ийрик саноат объекти ишга туширилди. Бу келгуси йилда қўшимча 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Мурожаатномада келтирилган бундай рақам ва кўрсаткичлар барчамизга мамнуният ва чексиз фахр-ифтихор бағишлайди. Зеро, улар замирида халқимизнинг эзгу орзуси – буюк давлатни барпо этиш, авлодларимизга овоз ва обод Ватан қолдириш, мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшاشига эришиш йўлидаги эзгу саз-ҳаракатларимизнинг амалий ифодаси мужассамдир.

Эришган ютуқларимизнинг омиллари ҳақида гапирганда, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида норевал рақамлар ортидан қувши, амалга ошмайдиган режаларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъқул иш услуби танқидий қайта қўриб чиқилди. Амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди.

Давоми 2-бетда.



**Ирмоқлар бирлашмай дарё бўлмайди,
Шамда эл эргашар зиё бўлмайди.**



2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ҳозлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

ЎЗГАРИШЛАР СИЛСИЛАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барча эзгу орзу-интилиш ва ҳаракатлар, авваламбор, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиб беришга, уни мустақил тараққиёт йўлимизнинг самараларидан баҳраманд этишга қаратилгандир.

Буни, Мурожаатномада таъкидлаб ўтилганидек, 2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни ташкил этгани, экспорт ҳажми 14,4 фоизга кўпайгани, ташқи савдо айланмасининг ижобий салҳоси 854 миллион АҚШ долларига етганида кўриш мумкин. Бу, авваламбор, давлатимизнинг оқил ва одил йўлдан бораётгани, халқимизнинг, одамларимизнинг даромади кўпаяётгани, фаровонлиги юксалаётганидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йилга Фаол тадбиркорлик, инновацион ҳозлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном берганида ҳам катта маъно мужассам. 2017 йилда санаот корхоналарини қуриш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш ҳисобидан 300 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Ўз-ўзидан аёнки, тадбиркорлик аҳоли

бандлигини таъминловчи, демакки, долзарб ижтимоий вазифаларни ҳал этишдаги муҳим соҳага айланди.

Мамлакатимизда бу соҳада ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд. Шу боис тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантирадиган муҳит шакллантирилмоқда.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик халқимизнинг қонида бор. Аждодларимиз буюк ипақ йўли орқали савдотик ишларини олиб борган. Йиллар ўтиши билан такомиллашиб борган бу соҳа бүгун Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан янги босқичда ривожланимоқда. Тадбиркорлар бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этаётир.

Президентимиз таъкидлаганидек, фаол тадбиркор деганда биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзи ва оиласига, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни кўз олдимишга келтирамиз.

Давлатимиз раҳбари 2018 йилни Фаол тадбиркорлик, инновацион ҳозлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб эълон қилар эканмиш, келгуси йили фаол тадбиркорлиқни ривожлантириш эътиборимиз марказида бўлади, деб қайд этди Мурожаатномада. Бу соҳани қўллаб-қувватлаш, бизнес субъектларини жадал ва барқарор ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш буйича зарур чоралар қўрилади.

Юртимиз ишбилармонларининг йилдан-йилга тажрибалари ортиб бормоқда, улар ташқи бозорларни фаол ўзлаштирмоқда. Энди тадбиркорларимиз фаолиятига юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни янада кенгрок жорий қилиш вақти келди.

Хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба ўрганиш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият яратиб бериш буйича изчил чоралар қўрилади. Мамлакатимиз барча соҳаларда тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, инновация – бу келажак дегани.

ЎЗА

КОНСТИТУЦИЯ — МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг бош қонуни Конституция ҳисобланади. Конституция сўзи луғавий жиҳатдан «Низом», «Қоидалар тўплами» деган маънони англатади. Лекин мазмун-моҳиятига кўра, ушбу ҳужжат мамлакат, унинг фуқаролари ҳаётида жуда муҳим ва катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Таъкидлаш керакки, 1992 йил 8 декабрда XII қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинган Конституциямиз мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда юртимизда 130 дан ортиқ миллилат ва элат вакиллари Бош Қомусимиз ҳимоясида ўзаро ҳамжихатлик ва тотувликда яшаб меҳнат қилмоқда. Уларнинг ўз тили, миллий анъана ва урф-одатларини давом эттиришлари, Ўзбекистон фуқароси сифатида эмин-эркин яшашлари Бош Қомусимиз билан кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллиги муносабати билан жорий йилнинг 6 декабрь санасида Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей залида “Конституция — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” мавзусида амалий тадбир ўтказилди.

Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши масъуллари, Тошкент Тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари ва талабалари, партия фаоллари иштирок этди.

Маъмур тадбир Ўзбекистоннинг конституциявий ривожланиши, жумладан, Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид маъмур қонунчилик юртимизда кечаётган демократик ислохотларни янада қучурлаштириш, мамлакатимиз Конституцияси ҳамда қонун ҳужжатларини бугунги кун талабларига, юртимиз ҳаётида юз бераётган изчил ўзгаришларга уйғунлаштиришда, ривожланган демократик давлат барпо этиш, халқимизга муносиб турмуш шарт-шароитларини яратиб бериш каби эзгу мақсадларимизга эришишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар орасида самарали тарғиб қилишда партия ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирни кириш сўзи билан Тошкент Тиббиёт академиясининг ректори, Л.Н.Туйчиев очиб берар экан, Бош Қомусимизда ёшларимизнинг илм олиш ҳуқуқи ҳар томонлама кафолатланганлигини алоҳида қайд этиш ўринли дея таъкидлади. Конституциямиз асосида 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига кўра, мамлакатимизда замонавий ўқув ва иш-

лаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, ихтисослашган махсус мактаб-интернатлар, умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари ва мактабгача таълим муассасаларининг бунёд этилгани, умуман, таълим тизими тубдан ислох қилинганлиги ёшларимизнинг юксак салоҳиятли инсонлар бўлиб камол топишига, Ватанимиз тараққиётининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Истиқлол даврида халқимизнинг ўтмишига оид қўллаб ҳақиқатлар, миллий қадрият ва анъаналаримиз, шахси, илмий, бадиий ижоди ўз даврида етарли баҳоланмаган улуг алломаларимиз номи тикланди, унутилаёзган миллий байрамларимиз маънавий мулкимизга айланди. Азиз авлиёлариимизнинг қаровисизликдан нураб даярили йўқ бўлиб кетиш арафасига келиб қолган мақбаралари, масжид ва мадрасалар тубдан таъмирланди.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Бу йил Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Конституциясининг ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, фуқаролар, айниқса, ёшлар қалбида қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш ҳамда Асосий Қонун қабул қилинганнинг йилгирма беш йиллик санасини кенг нишонлаш мақсадида «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони таъсис этилди. Ўзбекистон Конституциясини 25 йиллик байрами олдидан ушбу эсдалик нишон билан жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган инсонлар. Тошкент Тиббиёт академиясидан Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги устозимиз Турғунпўлат Обидович Даминов, Тошкент Тиббиёт академияси ректори Лазиз Надирович Туйчиев ҳамда академик лицей директори Анавар Раҳмонқуловичлар Шермуродов тақдирландилар.

Хулоса шуки, Бош Қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, тенглар ичра тенглигимизни, келажак буюк давлат қуришга бел боғлаган бағри кенг, кўп миллатли Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи ҳужжат сифатида бизнинг йўлларимизни чарогон этувчи юлдуздир. Суверен ва демократик давлат қуриш йўлидан қатъий бораётган Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси Конституциямиз билан фахрланади. Чунки, у бахтимизнинг қомусидир.

Т.БОБОМУРАТОВ,

ТТА маънавият ва маърифат ишлари проректори

Р.ПОЛВАНОВ,

маънавият ва маърифат бўлими услубчиси

ЁШЛАР ОИТСССИЗ – КЕЛАЖАК САРИ

2017 йилнинг 27 ноябрида Тошкент Тиббиёт академиясининг академик лицей мажлислар зали ва “Шифокор” спорт мажмуасида Тошкент тиббиёт академияси мураббийлар кенгаши, юқумли ва болалар юқумли касалликлари, эпидемиология кафедралари ташаббуси билан “1 декабрь – Халқаро ОИТС/ОИВга қарши курашиш куни” га бағишланган “Ёшлар ОИТСсиз – келажак сари” мавзусида тадбир ташкил қилинди.

Унда Тошкент Тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари, етакчи мутахассислар, талаба ёшлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

“Ёшлар ОИТСсиз – келажак сари” мавзусидаги тадбир талабаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг тиббий саводхонлигини янада ошириш мақсадида ташкил этилди.

2017 йил бошидан ҳозирга қадар ТТА Маънавий-маърифий бўлими жамоат ташкилоти: ЁИБТ фаоллари, ХҚҚ аъзолари, касабачи уюшмалари иштирокида Тошкент Тиббиёт академияси талабалари, ўрта мактаб, коллеж ўқувчилари орасида тиббий онгни ривожлантириш мақсадида соғлом турмуш тарзи тарғиботига оид семинар-учрашувлар, 80 дан ортиқ маъруза ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Тадбир уч қисмда ташкил қилинди. Тадбирнинг биринчи қисми иштирокчиларни ОИТС/ОИВ касаллигининг тарқалиш йўллари, профилактикаси борасида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар билан таништиришга йўналтирилди. Тадбирни Тошкент Тиббиёт академияси ректори Лазиз Надирович Туйчиев кириш сўзи билан очиб берди. Сўнгра Республика ОИТСга қарши курашиш маркази етакчи мутахассиси, т.ф.н Собир Умарович Усманов сўзга чиқди.

Шундан сўнг “Дунёда ва Ўзбекистонда ОИТС/ОИВ касаллигининг тарқалганлиги”, “ОИТС/ОИВ инфекциясининг меҳнат мигрантлари орасидаги эпидемиологик хусусиятлари”, “ОИТС/ОИВ инфекциясининг юқиш йўллари”, “ОИТС/ОИВ инфекциясининг клиник кечими ва замонавий даволаш усуллари”, “ОИТС/ОИВ инфекциясининг олдини олиш чора-тадбирлари” мавзуларида иқтидорли талабалар томонидан тайёрланган маърузалар ўқиб эшиттирилди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида соғлом турмуш тарзи асосида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида ТТА талабаларининг “1 декабрь – Халқаро ОИТС/ОИВга қарши курашиш куни” га бағишлаб чизилган расмлар кўргазмаси “Шифокор” спорт мажмуасида намойиш этилди.



Тадбирнинг учинчи қисми “1 декабрь – Халқаро ОИТС/ОИВ га қарши курашиш куни” буйича факультет талабаларининг спортга бўлган қизиқишини имкон қадар такомиллаштиришга қаратилган спорт мусобақалари беш тур (кувноқ спорт, стол тенниси, шахмат-шашка, мини-футбол ва волейбол) кўринишида “Шифокор” спорт мажмуасида ташкил этилди.

Шунингдек тадбирда ТТА бадиий ҳаваскорлар тўғраги аъзолари ва Адrenalин ҚВЗ жамоасининг чиқишлари йиғилганларга юқори кайфият улашди.

Тадбир сўнггида Тошкент Тиббиёт академиясининг профессорлари, фан докторлари ва фан номзодларидан иборат ҳайъат аъзолари томонидан фаол жамоалар орасидан биринчи, иккинчи, учинчи ўрин соҳиблари аниқланиб, диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан муносиб тақдирландилар.

Л.РАХМАНОВА,
ТТА ХҚҚ расиси, т.ф.д.,
доцент
Ш.АШИРОВА

ХУДУД, ЧЕГАРА, МИЛЛАТ ТАНЛАМАЙДИГАН МУДҲИШ ИЛЛАТЛАР



ТТА талаба-ёшлари ва профессор-ўқитувчилари орасида “Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, уларнинг мафзуравий иммунитетини кучайтириш ҳамда профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш” ойлиги доирасида ҳар бир факультетлар ва курслар кесимида “Таълим муассасаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари”, “9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши кураш куни” ва “Ҳуқуқбузарликка қарши кураш” муносабати билан ректор, проректорлар, факультет деканлари, бош мураббий, мураббийлар ва бошқа масъуллар иштирокида туркум тадбирлар ташкил этилди. Ташкил этилган тадбирларда ИИБ ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этиб, тадбирларда айтиб ўтилган

масалалар, маърузалар талабаларда катта қизиқиш уйғотди. Ташкил этилган тадбирларда талабалар чиқишлар, интервьюлар, шезърлар билан иштирок этишди. Бундан ташқари тадбирларда “Одам савдоси – худуд, чегара, миллат танламайдиган мудҳиш иллат”, “Диний экстремизм, терроризм ва унинг салбий оқибатлари”, “Гиёҳвандлик – худуд, чегара, миллат танламайдиган мудҳиш иллат” каби мавзулар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилди. Тадбир очик мулоқот, баҳс-мунозара тарзида ўтди. Қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, унда белгиланган вазифа-

ларни атрофлича тушунириш, ОАВ олдида турган энг муҳим долзарб масалалар, журналистик суриштирувни ўтказиш ва ушбу мавзунинг тахлили ёритиш буйича билим ва касбий кўникмаларни ўзлаштиришга оид масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, зарур таклиф ва тавсиялар берилди.

Шунингдек, тадбирда коррупция демократик институтларни заифлаштирувчи, ижтимоий тартибни бузувчи ва жамият ишончини поймол этувчи иллат сифатида қайд этилиб, унинг олдини олиш ва унга барҳам беришда давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Диёржон ЖАББАРОВ,
клиник ординатор



МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ -2909-сон "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарорида белгиланган вазифаларнинг 1- банд бўйича белгиланган вазифаларда "ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш " кабилар кўрсатилган.

Бу борада республикада олиб борилаётган илмий-амалий изланишлар билан бир қаторда хориж мамлакатларининг замонавий, илғор технологияларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса чет эллик етук мутахассис профессор-ўқитувчилар томонидан маърузалар, амалий тренинглари, маҳорат дарслари ташкил этиш амалий аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан ва Тошкент Тиббиёт академиясининг Илмий Кенгашида қабул қилинган Қарорга жавобан жорий йилнинг 1 декабрида 1-сон Республика клиник касалхонасининг мажлис залда Тошкент Тиббиёт академияси ва "АСАН" тиббиёт маркази ўртасида "Соғлиқни сақлашнинг долзарб масалалари" ва тиббиёт соҳасидаги ҳамкорликка бағишланган биринчи халқаро илмий-амалий анжумани иштирокчилари: Корея Республикасидан келган олимлар иштирокида маҳорат дарслари бўлиб ўтди. Унда 2-сон факультет ва госпитал терапия, травматология-ортопедия, ҳарбий дала жарроҳлиги ва нейрожарроҳлик кафедраси профессор-ўқитувчилари, тиббий педагогика факультетининг 401, 404, 405-гуруҳлари талабалари, "терапия, "кардиология", "травматология" йўналиши 1-3 курс магистрлари, клиник ординаторлар қатнашишди. Учрашувни 1-сон РККи бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори А.Ибрагимов очиб, республикада сўнгги йилларда хориж олимлари иштирокида турли мавзуда илмий-амалий анжуманлар, семинарлар доимо ташкил этилаётганлигини мам-

нуният билан алоҳида таъкидлаб, сўнгра сўзни меҳмонларга берди.

Сўнгра Самсунг госпитали кардиолог профессори: Джеонг-Еуй Парк "Ўткир коронар синдром" мавзусида қизиқарли маъруза билан чиқиш қилди. У ўз маърузасида дастлаб ўзи фаолият кўрсатаётган госпиталь ҳақида, у ерда олиб борилаётган илмий изланишлар, даволашда қўлланилаётган охириги ютуқларнинг роли ҳақида гапирди.



Сўнгра эса маърузасини давом эттириб, "Ўткир коронар синдром" ташхисини ўз вақтида ташхислаш учун хавфли омилларни ўз вақтида тўғри баҳолаш, тезкор диагностика чора-тадбирларини қўллаш, даволаш усулини шунга монанд танлаш муҳим роль ўйнашини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, маърузачи ўз чиқишида касалликнинг келиб чиқишида атеросклерознинг ўрнига батафсил тўхталиди.

Корея университети медицина коллежи профессори Лим Хонг-Чул томонидан "Тизза бўғимини тотал эндопротезлаш" мавзусидаги маъруза

хам йиғилганларда қизиқиш уйғотди. Маърузачи ўз чиқишида эндопротез усули замонавий тиббиётнинг охириги ютуқларидан бири эканлиги, уни тизза бўғими касалликларида қўллашга кўрсатма, бемор соғайишида ва ижтимоий тикланишида аҳамияти тўғрисида тўлиқ маълумот берди ва бу борада корейлик олимлар олиб бораётган изланишлари билан ўртоқлашди. Ҳар иккала маъруза ҳам тўпланганлар томонидан зўр қизиқиш билан эшитилиб, ижобий таассурот қолдирди.

Маърузалар сўнгида маърузачилар йиғилганлар томонидан берилган саволларга жавоб қайтаришди. Учрашув сўнгида 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси мудири, доцент А.Жаббаров ва травматология -ортопедия, ҳарбий дала жарроҳлиги ва нейрожарроҳлик кафедраси мудири, т.ф.д., доцент И.Хўжаназаровлар ҳам ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди, қизиқарли ва амалий жиҳатдан қимматли маърузалар учун корейлик олимларга йиғилганлар номидан миннатдорчиликларини изҳор этишди. Учрашув сўнгида ҳар икки томонлама интернет почталари орқали алмашувлар амалга оширилиб, келгусида илмий-амалий алоқаларни ўрнатишга келишиб олинди.

Шоира ҚОДИРОВА,
2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси катта ўқитувчиси
Ўктам СУВОНОВ,
травматология - ортопедия, ҳарбий дала жарроҳлиги ва нейрожарроҳлик кафедраси катта ўқитувчиси

ЭСДАЛИК НИШОНЛАРИ МУБОРАК

Бу йил Президентимиз Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Конституциясининг ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, фуқаролар, айниқса, ёшлар қалбида қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш ҳамда Асосий Қонун қабул қилинганнинг йигирма беш йиллик санасини кенг нишонлаш мақсадида 2017 йил 10 октябрдаги Фармони билан «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони таъсис этилди.

Ўзбекистон Конституциясининг 25 йиллик байрами олдидан ушбу эсдалик нишон билан жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Тошкент Тиббиёт академияси жамоасидан 6 нафар профессор-ўқитувчилар ва ходимлар тақдирландилар.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги **Турғунпўлат Обидович Даминов;**

Тошкент Тиббиёт академияси ректори **Лазиз Надирович Туйчиев;**

ТТА қошидаги академик лицей директори **Анвар Раҳмонкулович Шермуродов;**

ТТА ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи **Ўткир Миршарапович Миршарапов;**

ТТА ахборот ресурс маркази директори **Галина Викторовна Кузьмина;**

ТТА ўқув-услубий бўлим услубчиси **Ғайрат Соқижонович Юсупов.**

Бош Қомусимизнинг ижроси ва тантанасининг қарор топишида ва ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий қуриш, халқимизнинг тинч, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш, миллий қонунчилик тизимини шакллантириш ҳамда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилишида ўз ҳиссаларини қўшган барча юртдошларимизни «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони билан яна бир қўлга қоламиз.

Ҳабиба НУРБАЕВА,
ТТА маънавият ва маърифат бўлими услубчиси



ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги тиббиёт коллежларида таълим сифати ва самарадорлигини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги" 137-сонли буйруғи ва Тошкент Тиббиёт академияси ректорати томонидан чиқарилган 72-сонли фармойишга кўра тиббий педагогика факультетига қарашли 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедрасига сентябрь ойида Тошкент вилоятининг 5та: Зангиота, Чирчиқ, Бекобод, Ангрэн, Олмалик ҳамда Тошкент шаҳридаги П.Боровский тиббиёт коллежлари бириктирилди. Бунга асосан кафедра билан юқордаги тиббиёт коллежлари билан ҳамкорлик бўйича режа ишлаб чиқилди ва барча ишлар шу асосда амалга оширилмоқда.

Жумладан, сентябрь- октябрь- ноябрь ойлари мобайнида Зангиота, Чирчиқ, Бекобод, Олмалик, Ангрэн, П.Боровский тиббиёт коллежларига ташриф қилинди. Ташрифлар мобайнида ҳар бир коллеж кафедраларининг меъёрий ҳужжатлари, терапевтик фанлардан ўқув-услубий қўланмалар, услубий кўрсатмалар билан таъминланганлигини таҳлил қилишди. Кафедраларнинг АКТ билан таъминланганликлари билан қизиқишди, шунингдек, Бекобод, Чирчиқ тиббиёт коллежларининг АРМ фаолияти билан ҳам танишишди. Ўтган ойлари мобайнида кафедра ходимлари томонидан коллежлар ўқитувчилари томонидан тайёрланган 5 та ишчи ўқув Дастурларига, 3 та ўқув-услубий мажмуага, 4 та маърузалар тўпланмаларига тақризлар берилди.

Ҳамкорлик режасига асосан тиббиёт коллеж педагоглари учун янги педагогик технологияларга бағишланган семинар

ва тренинглари ташкил қилиш бўйича 19 октябрь куни Бекобод тиббиёт коллежида, 20 ноябрь куни Чирчиқ тиббиёт коллежида "Касбим – фахрим" мавзусида давра суҳбати ва коллеж ўқитувчилари ва 2-3 курс ўқувчилари учун "Гипертония касаллиги" мавзусида қизиқарли маъруза тақдимоти билан чиқиш қилинди.

23 ноябрь куни П.Боровский тиббиёт коллежи ўқитувчилари учун "Маърузаларда АКТнинг роли" (доцент З.Умарова), "Ички касалликлар (терапия) фани амалий машғулотлари босқичларида замонавий педагогик технология усулларини қўллаш" (катта ўқитувчи Ш.Қодирова) мавзусида педагогик семинарлар ташкил қилинди.

Шунингдек, тиббиёт коллежларига 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ходимлари томонидан тайёрланган ички касалликлар мавзулари бўйича маъруза ва амалий машғулотлар презентациялари, видеороликлар назарий ва амалий машғулотларда фойдаланиш учун тақдим этилди.

Ҳозирда услубий жиҳатдан бойитишга қаратилган амалий ёрдам кўрсатиш, етишмаётган адабиётларни ҳамкорликда яратиш мақсадида 2017-2018 ўқув йили мобайнида Чирчиқ, Бекобод, П.Боровский тиббиёт коллежлари ўқитувчилари билан биргаликда коллежларнинг "Катталарда ҳамширалик парвариши" ва "Даволаш иши" йўналиши "Терапия" фанларидан нафас олиш, юрак-қон томир, ҳазм қилиш аъзолари касалликлари бўйича ўқув-услубий қўланмалар тайёрлаш бўйича иш олиб боришмоқда.

Шаҳноза ХОДЖАНОВА,
2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти



БИРИНЧИ ЮРТБОШИМИЗ КИТОБЛАРИДАГИ ҚАДРИЯТЛАР ФАЛСАФАСИ

Ҳадиси шарифларда: “Уматларимнинг энг яхшиси – одамларга нафи кўпроқ теккандир”, – деб бежиз айтилмаган. Табиат ва жамият учун қилинган ҳар қандай яхшилиқлар, олижанобликлар улғу боболаримиздан қолган муқаддас қадриятлардан ҳисобланади. Модомики, биз қадриятлар тушунчасини ўзимиз тўлиқ англамасдан, уларнинг асосларидан зурриёдларимизни баҳраманд қилмас эканмиз, тол экиб ундан мева тугишини кутган жоҳил каби меҳнатимиз самарасиз бўлиб қолади. Демак, биз миллатимиз, жинсимиз, касбу-коримиз, илмий даража, унвон, мансаб-маноклибларимиздан қатъий назар биринчи навбатда қадриятлар фалсафасидан баҳра олишимиз лозим экан. Ана шундай қадриятларни фан ва давлатчилик сиёсати даражасига олиб чиққан ва бутун юртга, унинг фуқароларига нафи энг кўп теккан одамлардан бири – Биринчи Юртбошимиз Ислоҳ Каримов эдилар.

Қадимдан бобокалонларимиз миллий, маънавий ва диний қадриятларимизни илоҳий калом даражасига олиб чиқиб улуғлашганлар. Шайх Жалолиддин Румий:

Аё, сиз жон чекиб ҳар лаҳза изларсиз Илоҳийни,

Они излашга ҳожат йўқ, илоҳийсиз, илоҳий сиз!

деб инсонни улуғлаши, Бобораҳим Машрабнинг:

Баҳойи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин сен,

Агар бир дилни оғритсанг, юзар Каъба бузулмасми?

деб инсон қалбини Каъбадан-да юсакроқ кўйиши улғу қадриятларимизнинг ёрқин тажаллииси эди.

Юртбошимизнинг китоблари 2017 йилда 22 жилдлик қилиб чоп этилди. Уларни арақлар экансиз, ҳар бир саҳифада қадриятларимизга алоҳида ўрин берилганлигига гувоҳ бўласиз. Қадрият шакллари орасида маънавий қадриятларга алоҳида тўхталиб ўтилган. Маънавий қадриятлар тушунчаси инсон маънавияти ва ахлоқий қиёфасига, жамиятнинг маънавий қиёфасига дахлдор бўлиб, одамларни тарбиялашга, уларнинг баркамоллигини таъминлашда миллатлар ва жамиятларни эзуллик ҳамда бунёдкорликка ундашга хизмат қиладиган қадриятлар тизимини ифодалайди. Мазкур тушунчада маънавий қиёфа, тафаккур ва турмуш тарзи намоен бўлади. Биринчи Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришганидан кейин маънавий қадриятларга эътибор кучайди. Юртбошимиз ўз китобларида, чиқишларида мустақил юртимиз фуқаролари учун энг керакли бўлган кўйидаги қадриятларга алоҳида ўрин ажратган эдилар.

– Меҳр-оқибат, халқимизнинг маънавий ва диний қадриятларидан энг муҳими бўлиб, ҳадиси шарифларда: **“Уматларимнинг энг яхшиси – қариндошларга меҳр-оқибатлидир”**, дейилган.

– Ор-номус ўзига номуносиб ёки эп кўрилмаган ишдан, нарсдан хижолат тортиш, уялиш, номус қилиш туйғуси бўлиб, орият – иззат-нафс, қадр-қиммат туйғуларини ифодалайдиган тушунчадир. Чунки ориятли одам ўзи, оиласи, маҳалласи, киндик қони тўкилган муқаддас туپроғи қадр-қимматини ҳар нарсдан юсак тутди. Широқни сарҳодаги қўноқли ўлимга юз туттишга, Тўмарисни қонхўр шоҳ бошини қонли мешга солишга, Жалолиддин Манғубердини 4 минг аскар билан 30 минг босқинчини енгишга

ундаган муқаддас ҳис-туйғу ҳам ор-номусдир. **“Ватан – саждагоҳ каби муқаддасдир”**, дейилгани ҳам ана шу ор-номуснинг кучлигидан эканлигини Юртбошимиз кўп марта лаб тақдорлаганлар.

Андиша – маънавий қадриятлардан бири сифатида ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаб, халқимизга хос хусусият сифатида оқибатни ўйлаб иш туттиш, мулоҳаза юритиш ҳиссидир. Андишали киши фаросат ва фаоҳат билан иш туттиб, юсак маънавият соҳиби эканлигини ҳар қадамда намоен қилади. **“Агар Аллоҳдан андиша – ҳаё қилмасанг, билганингни қил”**, деган эди Расулulloҳ ношукур кимсаларга қарата.

Виждон – кишининг кундалик фаолияти, қилмиши, фезъл-атворида мужассамлашган оила, маҳалла, жамоа, жамият, миллат ва ватан олдида маънавий масъулиятни ҳис этиши, виждонни баайни бир бурч, вазифа дея англашидир.

Яхши одам яхшилигин англамай қолмас, У виждонни бир вазифа дея билгуси.

деган эди устози комил Абдулла Орипов ўз битикларидан бирида.

Инсоф-адолат ва виждон амри билан фаолият юритиш туйғуси бўлиб, ўзаро муносабатларда ҳалоллик, тўғрилик, тенглик, софлик ва тўғрисузликни ифода этади. Инсоф категорияси Шарқ фалсафасида инсонлар жамиятининг маънавий-ахлоқий меъёрлари нуқтаи назаридан ўз хулқ-атворини, одобрини назорат қилиш ва баҳолай олиши сифатида талқин қилинганлиги Юртбошимиз қаламларида алоҳида жоҳиба касб этган.

Бурч ва масъулият виждон, эътиқод ва иймон тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ. Мутафаккир ибн Сино **“Бурч тўғрисида”** рисоласида бурчни Аллоҳ олдидаги қарздорлик туйғусини бажариш, илоҳий масъулият деб талқин этади.

Ўзликни англаш – маънавий қадриятлар билан узвий боғлиқ бўлиб, буюк валиulloҳ Жалолиддин Румий битганларидек:

Нарса йўқим, хорижи олам эрур,

Ҳар не истарсан, ўзингда жам эрур.

Яъни ўзликни англаб етган инсон барча яхши ва ижобий хислатларни ўзидан, тафаккури ва моҳиятида топиб олади дегани бу. Бугунги кунда ўзликни англаш жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётини демократлаштириш ва янгилаш, янгича тафаккурни шакллантиришининг асосий воситаларидан бири эканлигини юртбошимиз кўп бора таъкидлаб ўтганлар.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари Республикада ҳам турли оқимлар ва мазҳабларга кирганлар, тариқатчилар пайдо бўлди, узоқ йиллик диний таъкидан кейин ҳар бир фуқаро диний илмлар уммонига чўммоқчи, ҳар ҳадис, оят ва сурадан маъно-мазмун изламоқчи бўлди. Бу йўлда кўплай адашишлар, ноқонлиқлар бўлиб ўтганлиги ҳам сир эмас. Фақат Биринчи Юртбошимиз Ислоҳ Каримов тутган оқилна ва одилона сиёсат, таъбир жоиз бўлса деонтология ва этикагина содир бўлиши мумкин бўлган улкан фалокат ҳамда касофатларнинг олдини олишга хизмат қилди. Диний ақидапарастлар, экстремистлар, маҳаллийчилик, адолатсизликни



бор бўйича қилиб қийиб олганлар, гиёҳванд моддалар, қурол-яроғ, одам савдоси билан шуғулланувчиларга қарши кўп йиллик кураш бесамар кетмади. Юртбошимизнинг сочларига оқ, пешонасига ажин қўшган бўлса-да, ўзбек миллати, унинг қадриятлари, менталитети соф ҳолда сақланиб қолди, юртимиз бутунлигига раҳна тушмади. Бу далилларни ҳатто Юртбошимизга муҳолиф бўлганлар, ўзбеки хушамовчилар, мустақиллигимизга ганим бўлганлар, қалбида ҳасад, хусумат, риё ин қурган кимсалар ҳам тан олганлар.

Ислоҳ Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг дин ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш сиёсатини белгилаб берар экан, кўйидаги ҳақиқатни кўп бора тақдорлаган: **“Дин – турмуш тарзимизга ўчмас муҳрини босган. Худого қарши курашганларнинг ахволи нима билан кечганини кўрдик. Энди бу хил бесамар ва қуруқ инкор йўли ярамайди. Динга нисбатан ижобий муносабат ташқи сиёсатимизда қатта аҳамиятга эга”**.

Келгуси ойда таваллуд айемлари кенг нишонланиши кўзда тутилган Биринчи Юртбошимизни хотирлар эканмиз, ушбу мақолада унинг ватанимиз, фуқароларимиз, муқаддас туپроғимиз гуллаб-яшнаши, фарзандларимизни биздан кўра бахтлироқ, илмлироқ бўлишлари учун қолдириб кетган улкан маънавий меросини фақат қадриятлар билан боғлиқ қисмини таҳлил қилиб ўтдик, холос. Яқинда таваллудига юз йил тўлган ва Ўзбекистон тараққиёти учун холос хизмат қилган Шароф Рашидов, мустақиллигимиз тамал тошини қўйган Ислоҳ Каримовларнинг шонли анъаналарини бугунги кунда ҳурматли Президентимиз Ш.М.Мирзиёев давом эттириб келмоқда. **“Яхшилар яратган боғ – Ўзбекистон”** бундай улғуларнинг имдоди билан буюк келажак сари ишонч билан одимламоқда. Биз эса нуфуси 32 миллиондан ошган қадрли юртдошларимиз қаторида шавкатли бобокалонимиз Амир Темурнинг муносиб издошлари бўлган улғуларимиз Шароф Рашидов, Ислоҳ Каримов ва Шавкат Мирзиёев билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Алижон ЗОҲИДИЙ,

Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, тиббиёт фанлари номзоди.

Кутбиддин НИЗОМОВ,

Республика соғлиқни сақлаш аълочиси

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИДИР

Сизларни кўрганимда мен ўз ёшлигимни кўряпман.

Ш.М.Мирзиёев

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилган 2017 йил 30 июндан буён ўтган 5 ой мобайнида Иттифоқ фаолиятига доир жами 18 та қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан:

Ўзбекистон Республикасининг 2 та қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 та Фармони, 4 та Қарори, 1 та Фармойиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 9 та қарори, 1 та фармойиши.

Шунингдек, “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон Фармонидан келиб чиқиб, ёшлар масалалари билан боғлиқ 70 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Юқоридаги Фармонларнинг ижроси сифатида Тошкент фармацевтика институтининг кичик фаоллар залида “Бепул мақола чиқариш ҳамда олимларнинг халқаро нуфузини ошириш” мавзусидаги илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Ушбу семинарда доцент, ю.ф.н. Шоҳруҳ Фармонович Файзиев ва Тошкент Тиббиёт академияси даволаш факультетининг 6-босқич иқтидорли талабаси Бекзод Абдуллаев (Editor of Pathology and Laboratory Medicine) маърузаси билан қатнашди. Семинар Тошкент Тиббиёт академияси Ёшлар иттифоқи ҳамда “Фармацевтика ишини ташкил қилиш” кафедраси ташаббуси билан ўтказилди.

СТАРТАП ТАШАББУСЛАРИ ЛОЙИҲАСИ ЎЗ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ёшларнинг стартап ташаббусларини, олий таълим муассасалари талабалари ва ёш олимларнинг ўз инновацион стартап ғоя ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш механизмларини яратиш ва тадбиркорлик соҳасида ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқариш имкониятларини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги билан ҳамкорликда БМТТДнинг “Ўзбекистон бизнес форуми” қўшма лойиҳаси кўмагида “Стартап ташаб-

буслари” дастурининг иккинчи даври амалга оширилди.

Ушбу дастурнинг иккинчи даврида республиканинг барча ҳудудларидан 57 та олий таълим муассасаларидан жами 419 та лойиҳа тақдим этилган. Дастур экспертлари ўтказган саралаш, суҳбат ва экспертлар олдида тақдимот ўтказиш натижаларига кўра дастурда иштирок этиш учун Тошкент шаҳридаги олий ўқув муассасаларидан 30 нафар иштирокчи ва ҳудудлардаги олий ўқув муассасаларидан 10 нафар иштирокчиларнинг стартап-лойиҳалари қабул қилинган.

ЯНА БИР КУТИЛМАГАН ИМТИЁЗ

Кимлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тавсияномаси билан олий таълимга имтиҳонсиз қабул қилинади? Вазирлар Маҳкамасининг 14 ноябрда “Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига олий таълим муассасаларига киришга имтиёзлар бериш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, Ёшлар иттифоқи тизимида кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган фидойи, табиий етакчилик қобилиятини намоен қилган, ватанпарвар, юрт келажига дахлдорликни ҳис қиладиган, меҳнатсевар ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёз яратилди.

Жумладан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимидаги сардорлар, бошланғич ташкилотлардаги йўналиш етакчилари, икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган фидойи ёшлар тавсиянома асосида доимий яшаш жойидаги олий таълим муассасаларининг педагогика таълим йўналишларига имтиҳонсиз қабул қилинади.

Бундан ташқари Шавкат Мирзиёев “Мард ўғлон” мукофотини таъсис этди. Мукофот эгалари ОМга имтиҳонсиз қабул қилинади.

Мукофот ҳар йили Ёшлар куни (30 июнь) арафасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрининг 2 нафардан вакилларига топширилади.

Ушбу давлат мукофоти билан тақдирлаш, худди иқтидорли қизлар учун мўлжалланган Зулфия номли давлат мукофоти билан тақдирлашда бўлгани каби, Президент қарори билан амалга оширилади.

Мазкур давлат мукофотини олганлар олий таълим муассасаларининг бакалавр босқичида, агар мукофотланган шахс олий ўқув юрти талабаси ёки бакалавр даражасига эга бўлса магистратура босқичида имтиҳонларсиз давлат гранти асосида қабул қилинади.

С.МАВЛЯНОВ,
Ёшлар иттифоқи раиси

Дастурнинг якуний тадбири сифатида 2017 йил 29 ноябрь куни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Матбуот клубида БМТ Тараққиёт Дастури, Савдо-саноат палатаси раҳбарлари ва халқаро ташкилотлар ва элчихоналар вакиллари иштирокида дастурда иштирок этган 18 нафар стартап лойиҳалари истиқболдаги сармоячилар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар олдида ўз лойиҳаларининг кўргазмаси ва тақдимотини ўтказдилар.

Т.ВАЛИХҲАЕВ,
Матбуот ва медиа етакчиси

